



THE ROLE OF LEGAL PROPAGANDA IN THE PREVENTION OF CRIMES

Atoev Alisher Azamat o'g'li

Teacher of the Department of operational-search activities of the Academy of the Ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan

E-mail: atoyevalisher56@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10977080>

ARTICLE INFO

Received: 08th April 2024

Accepted: 15th April 2024

Online: 16th April 2024

KEYWORDS

Crime prevention, legal propaganda, youth, dialogue, media, social networks, flyer, quiz, zakovat, monthly events.

ABSTRACT

This article gives recommendations on the prevention of crimes, including the role, methods and features of "legal propaganda".

РОЛЬ ПРАВОВОЙ ЗАЩИТЫ В ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

Атоев Алишер Азамат угли

Преподаватель кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД Республики Узбекистан

E-mail: atoyevalisher56@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10977080>

ARTICLE INFO

Received: 08th April 2024

Accepted: 15th April 2024

Online: 16th April 2024

KEYWORDS

Предупреждение преступлений, правовая пропаганда, молодежь, диалог, СМИ, социальные сети, флаер, викторина, заковат, ежемесячные мероприятия.

ABSTRACT

В этой статье даются рекомендации по предупреждению преступлений, в том числе о роли, способах и особенностях «правовой пропаганды».

ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТНИНГ ЎРНИ

Атоев Алишер Азамат ўгли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси

E-mail: atoyevalisher56@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10977080>

ARTICLE INFO

ABSTRACT



Received: 08th April 2024

Accepted: 15th April 2024

Online: 16th April 2024

KEYWORDS

Жиноятларни олдини олиш, ҳуқуқий тарғибот, ёшлар, мулоқот, ОАВ, ижтимоий тармоқлар, флаер, викторина, заковат, ойлик тадбирлар.

Мазкур мақолада жиноятларнинг олдини олишда “ҳуқуқий тарғибот”нинг ўрни, усуллари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда бу борада эътибор бериш лозим бўлган жиҳатлар ҳақида тавсиялар бериб ўтилган.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.¹

Шу сабабли ҳам жиноятларнинг олдини олиш ҳозирги кунда ҳам долзарб вазифалардан бири сифатида қолмоқда. Жамиятдаги инсонларнинг, авваламбор, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан уларда ҳуқуқий иммунитет бўлмас экан, жамиятда жиноят содир этиш кундалик ижтимоий муносабатлар даражасига қадар шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2019 йилдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармонида² ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасида “**жиноятларнинг олдини олиш**” тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифаси сифатида белгиланган.

Айнан жамиятда жиноятларни олдини олишда энг самарали усул ва восита сифатида “**ҳуқуқий тарғибот**” алоҳида ўрин эгаллаб, жамиятда ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2019 йилдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармонида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар** ҳамда фуқаролик жамияти

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2019 йилдаги ПФ-5618-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4149765>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2019 йилдаги ПФ-5618-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4149765>



институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш асосий вазифа сифатида белгиланган.³

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 349-моддасида⁴ терговчи жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фoш этиш учун жамоатчиликни жалб қилишга ҳақли эканлиги, шу мақсадда у жамоат бирлашмаларига, жамоаларга, аҳолига жиноят иши учун аҳамиятга молик маълумотлар ҳақида хабар қилишни, қидирилаётган шахслар ёки нарсалар турган жойни кўрсатишни сўраб мурожаат қилиши белгиланган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида **“тарғибот”** сўзи бирор ғоя, таълимот ва шу кабиларни ёйишга, кишилар онгига сингдиришга қаратилган ишлар, тарғиб ишлари, деб таърифланган.⁵

Ҳуқуқий тарғиботнинг турлари кўп. Ҳозирги кунда уларнинг энг самарали усуллари сифатида аҳоли билан юзма-юз суҳбатлашиш ва муносабат ўрнатиш, алоҳида тоифадаги шахслар билан мулоқот қилиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ёки кўргазмали видеолар намоиш қилиш, ижтимоий тармоқларда эълон, ҳавола, қисқа метражли видеороликлар тайёрлаб жойлаштириш, жамоат жойларида флаер, брошюра, кўргазмали баннерлар ҳамда жонли тарздаги қизиқарли фактларни келтириш орқали оммани бир жойга жамлаган ҳолда қисқа кўчма тарғибот-мулоқоти, автомобил йўллари ёқасидаги тасвирий ойналарда баннерлар жойлаштириш, флешмоблар, викториналар, заковат ўйинлари, ойлик тадбирлар кабилар қўлланилиб келинмоқда.

2023 йилнинг 12 ойи давомида Тошкент шаҳрида содир этилган жиноятлар ҳамда улардан олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар таҳлил этилганда, **16 392 та** жиноят содир этилганлиги, шундан **12 094 таси** олди олиниши мумкин бўлган жиноятлар эканлиги, яъни содир этилган жиноятларнинг **73,7 %и** олди олинмаган жиноятлар ҳиссасига тўғри келаётганлигини кўришимиз мумкин.⁶

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар содир этилган жиноятлар улушида асосий ўринни эгаллаб бораётганлиги бугунги кунда **“ҳуқуқий тарғибот”** ишларининг нақадар долзарблигини намоён қилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва низомлари, вазирлик ва идораларнинг қўшма қарор, келишув ва меморандумлари, ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”**ги ПФ-60-сон Фармонида маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқишда **тарғибот-ташвиқот** ишларини ташкил этишнинг таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2019 йилдаги ПФ-5618-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4149765>

⁴ Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>

⁵ <https://izoh.uz/uz/word/targ%20ibot>

⁶ Тошкент шаҳар ИИББнинг 2023 йил 12 ойида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги маълумот жадвали.



ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўриш, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда ҳолис ахборотларни ўз вақтида бериб бориш орқали ёлғон маълумотлар тарқалишининг олдини олиш, «**Маҳалла — туман — вилоят — республика**» принципи асосида ҳудудлар кесимида ижтимоий-маънавий муҳитни оптималлаштириш харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш кўникмасини шакллантириш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.⁷

Албатта, жиноятларни олдини олишда биринчи навбатда инсонларнинг оиладаги тарбияси, маънавий-руҳий муҳит, мактаб, ўрта ва олий таълимдаги муҳим маънавий муносабатлар, жамоада шаклланган ватанпарварлик ҳиссининг онгга чуқур етиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса, ҳар бир инсонда миллий ғоя шаклланган бўлиши лозим.

Миллий ғоя аслида халқнинг стратегик олий мақсадини, яъни қандай тузумда яшамоқчи, қандай жамият қурмоқчи, қандай инсонни тарбияламоқчи эканини қисқа, лўнда, мужассам ифодалайди.⁸

Биз, жиноятларни олдини олиш орқали жамиятнинг барқарор ва тез суръатларда ривожланишини, инсонларнинг жамиятда бўлаётган туб ислохотларга ҳайрихоҳ ҳамда розилик ҳиссини пайдо қилишни, ҳар бир инсон эркин ва фаровон ҳаёт кечириши ва ўз ўрнини, сўзи ҳамда фикрини эркин айта олиши каби умуминсоний ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни ўз олдимизга мақсад қилмоғимиз лозим.

Бу борада эса бизнинг жиноятларни олдини олишимизда “ҳуқуқий тарғибот”нинг тўғри йўлга қўйилганлиги, таъсир доираси ҳамда инсонлар қатламининг барча жабҳаларини қамраб олганлиги муҳим фактор ҳисобланади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий тарғиботни икки хил маънода, яъни кенг ва тор мазмунда талқин қилувчи ёндашувлар ҳам мавжуд. Кенг маънода ҳуқуқий тарғибот – турли омиллар таъсири остида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилган кенг миқёсли жараёндир. Тор маънода эса – ҳуқуқий тарғибот инсон онгига таъсир кўрсатишнинг бир шакли бўлиб, у орқали шахс дунёқарашида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мақсад сифатида белгиланган бўлади.⁹

Келинг, юқорида ҳуқуқий тарғиботнинг усуллари ҳақида тўхталиб ўтамиз:

Аҳоли билан юзма-юз суҳбатлашиш ва муносабат ўрнатишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари масъул мансабдор шахслар томонидан доимий равишда ҳудудларга борилган ҳолда, маҳалла фуқаролар йиғини, мактаб, ўрта-маҳсус ёки олий таълим муассасаси, шунингдек хусусий секторларда бўладими аҳолининг ҳуқуқбузарлик ва

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

⁸ Эркаев, А. Янги Ўзбекистоннинг миллий ғояси / А. Эркаев // Ijtimoiy Fanlar. – 2023. – Vol. 9, No. S5. – P. 178-184. – EDN SRWTCJ.

⁹ Алтмишев Т., Беккулов Х., Ҳуқуқий тарғибот тушунчасини ёритишда назарий таҳлил // Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 22. – С. 104-106.



жиноятчиликка мурасиз қарши курашишида иммунитетни шакллантириш учун барча саъй-ҳаракатларини ишга солаётганликлари баробарида асосий эътиборни уларга ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилганда олиб келиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибат билан биргаликда маънавий-руҳий ҳамда ижтимоий муносабатлардаги салбий оқибатлар тушунтириб ўтилиши лозим. Чунки, ҳуқуқий тарғиботда масъуллар томонидан қонунчиликка мувофиқ ҳатти-ҳаракатларнинг ҳуқуқий тартибга солинган механизм ва оқибатлари баён қилиниб, аҳолининг кўп қисми ўтказилган “ҳуқуқий тарғибот”нинг мазмун-моҳиятини тўлақонли тушунмасликлари учраб, бу эса, куч ва воситаларнинг бесамар кетганлиги ҳамда олдини олиш мумкин бўлган жиноятларнинг ўсишига сабаб бўлиши мумкин.

Ушбу жараёнда маърузачиларга катта масъулият юклатилади. Улар билими, ҳаётий ва касбий тажрибаси, нотиклик санъати, мавзу юзасидан бераётган маълумотлари ва фактларига таяниб, аудиторияни ўзларига жалб этиши, бунинг учун тингловчиларнинг ёши, жинси, маълумот даражаси, касби ва қизиқишларига алоҳида эътибор қаратиши лозим.¹⁰

Алоҳида тоифадаги шахслар билан мулоқот қилишда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги¹¹ Қонунда ҳуқуқбузарликларнинг махсус ва якка тартибдаги профилактикаси қўлланилиши орқали тарбияси, маънавий-руҳий олами ҳамда атроф-муҳитдаги шахслар кўз ўнгидаги ғайриодатий ҳатти-ҳаракатлари билан ҳаёт кечираётган шахслар билан ўтказилиши “ҳуқуқий тарғибот”нинг асосий натижаларига эришишнинг муҳим омили ҳисобланади. Чунки инсонларда тафаккурнинг шаклланишида онг остида турли ҳаётий кечинмалар зиддияти вужудга келиб, шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишдаги чалкашликлари пайдо бўлади. Бунда бунёдкор ва вайронкор ғоя ва фикрлар қоришмаси ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар вужудга келишига олиб келади. Бунда эса, “ҳуқуқий тарғибот”нинг махсус ва якка тартибда ўтказилиши инсонларнинг юқоридаги каби онг остидаги зиддиятли фикрларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган ҳолда жамиятда тўғри йўлини топишида ва жиноятларнинг олдини олган ҳолда ўз ҳаёти ва бошқалар тақдирида салбий рол ўйнамайди. Албатта, инсонларга таъсир қилиш учун масъул шахснинг бой ҳаётий тажрибаси ҳамда бошқаларга намуна бўлиш хислатлари бўлиши лозим. Кўп ҳолларда “ҳуқуқий тарғибот”нинг айнан махсус ва якка тартибдаги турларини ўтказувчи шахслар ёш ва кўп йиллик таажрибага эга бўлмаган шахслар томонидан ўтказилиши бу тарғиботнинг самарасиз амалга оширилишига олиб келади.

Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ёки кўргазмали видеолавҳалар намоиш қилиш орқали кенг аудиторияни жалб этган ҳолда жамиятдаги ўзгаришлар ҳақида берилаётган таъсирли маълумотлар инсонлар онгига яшин тезлигидай етиб боради. Ҳозирда ушбу усул ўзининг жуда самарали натижасини бермоқда. Хусусан, йўл-ҳаракати хавфсизлиги йўналишида қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар барча

¹⁰ Камилов М. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг тушунчаси ва чора-тадбирларини қўллаш амалиёти //Евразийский журнал академических исследований. – 2023. – Т. 3. – №. 2 Part 4. – С. 83-89.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, 2014 й. // <https://lex.uz/docs/2387357>



автомобил ҳайдовчи шахсларни ўзига жалб этмоқда. Шу каби жиноятларни олдини олишда авваламбор, қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида ОАВ орқали чиқишлар қилиш аҳоли қатламининг зарурий билим ва тушунчага эришишларида туртки бўлади.

Тарғибот мамлакат аҳолиси орасида мақбул жамоатчилик фикрини шакллантириши ва ҳаётий позицияни қарор топтириши лозим. Янги асрга қадар бу вазифани бажариш жиддий қийинчиликлар туғдирмасди. Бунинг учун аҳолининг тегишли ахборот манбаларидан фойдаланишини таъминлаш, мақсадга мувофиқ бўлмаган ахборотларни тарқатаётган муқобил каналларни ёпишнинг ўзи кифоя эди. Бироқ жаҳонда оммавий коммуникация воситаларининг мисли кўрилмаган даражада ривож топиши, глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви бу борадаги вазиятни тубдан ўзгартирди. Эндиликда аҳоли орасида мақбул жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ҳаётий позицияни қарор топтириш учун энг самарали услублардан моҳирона фойдаланишнинг ўзи етарли эмас.¹²

Ижтимоий тармоқларда эълон, ҳавола, қисқа метражли видеороликлар тайёрлаб жойлаштириш орқали аҳолининг ёш ҳамда ўрта қатламини эътиборини тортувчи контентлар сифатида қилинган ҳуқуқий тарғибот ҳам жуда катта самара беради. Чунки ҳозирги кунда барча бузғунчи ниятдаги шахслар ушбу йўналишда фаол ишларни олиб бормоқдалар.

Сўнгги вақтларда, янги турдаги ҳуқуқбузарлик сифатида тобора авж олиб бораётган **“ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб”** содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири айланиб бормоқда.¹³

Сарҳадсиз интернет дунёсига кирган шахс вақт, умр ғанимат эканини доимо ёдда сақламоғи лозим. Зеро, бу глобал тармоқ бепоён ҳудудларга эга бўлиб, унда инсон адашиб соатлаб, кунларини самарасиз ўтказиб юбориши мумкин. Бугунги шиддатли глобаллашув даврида ёшлар онгу шуурини интернет орқали кириб келаётган зарарли ғоя ва таъсирлардан самарали ва ишончли ҳимоялаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, ота-оналардан янада ҳушёр ва огоҳ бўлишни, ёш авлоднинг ғоявий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришни талаб қилади.¹⁴

Шундай экан, ҳар бир масъул шахс ёки ташкилот бўладими энг аввало, “ҳуқуқий тарғибот”ни ижтимоий тармоқлар орқали амалга ошириши жиноятларни олдини олишда энг мақбул йўл сифатида саналиб, атрофдагиларга кенг тарқалишига замин яратади.

Қолаверса, ҳозирда ёшлар томонидан ахборот технологиялари соҳасига қизиқиши ортиб борар экан, кибержиноятчилик фаолияти билан шуғулланиш истаги ҳар бир ёшда пайдо бўлиши мумкин.

¹² Рустамов, Рамз Ризоқулович Замонавий тарғибот услублари // International scientific journal of Biruni. 2023. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zamonaviy-tar-ibot-uslublari> (дата обращения: 15.04.2024).

¹³ Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чоратадбирлари // Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

¹⁴ <https://muslimun.uz/yoshlarimizni-internetdagi-mafkuraviy-taxdidlardan-acraylik/>



Ҳар қандай ғоявий иммунитетнинг кучи унинг англанданлигидадир. Агар инсон ўз ғоясининг асл моҳиятини тушуниб етса, уни мантиқан исботлай олса ва ҳар қандай қарши саволга асосли жавоб топа билса, бундай шахс ўз эътиқодини ҳимоя қила олади ва ёт ғоялар таъсирига берилмайди.¹⁵

Шу онда уларда ҳар бир ҳатти-ҳаракатга жазо муқаррарлиги қисқа метражли видеороликлар орқали намойиш этилганда уларда “иммун тизими” ўзини янада мустаҳкамлаб, бундай таъсирга тушиб қолишлари олди олинади.

Жамоат жойларида флаер, брошюра, кўргазмали баннерлар ҳамда жонли тарздаги қизиқарли фактларни келтириш орқали оммани бир жойга жамлаган ҳолда қисқа кўчма тарғибот-мулоқоти усулида доимий юмушлар билан банд, ОАВ ёки ижтимоий тармоқда фаол бўлмаган, асосий фаолияти кўчада ўтувчи шахсларга нисбатан таъсирчан чора сифатида баҳоланади. Бунда асосан бозорлар атрофида савдо-сотиқ ва маиший хизмат кўрсатувчилар, шунингдек уй-рўзғор ишлари билан бозорга тушувчи шахслар, мактаб ўқувчилари, талабалар, нафақа ёшидаги шахслар ва бошқа шу каби шахслар эътиборини тортган ҳолда ҳуқуқий тарғибот ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Флаерлар тарқатилиши оқибатида билвосита ҳуқуқий тарғиботнинг шахслар томонидан оила аъзоларига, меҳнат жамоаларига тарқатилиб, жамиятда жиноятларни олдини олишда муҳим рол ўйнайди.

Жамоат жойларида мавжуд баннерлар орқали жамиятимиздаги салбий иллатлар, жиноятлар қораланиб, уларга қарши курашишда жамоатчиликнинг бирдамлиги, менталитетимизга путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлар кўрсатилади.

Автомобил йўллари ёқасидаги тасвирий ойналарда баннерлар жойлаштириш орқали автотранспорт бошқарувчи, ундаги йўловчи, шунингдек саёҳат мақсадида келган чет эл фуқаролари бўладими, албатта ушбу “ҳуқуқий тарғибот”ни ўз кўзи билан кўрган ҳолда давлатнинг жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол амалий ишларини юқори даражада баҳолайди.

Жумладан, кўп йиллар давомида катта чорраҳалар ҳамда йўл ёқаларидаги тасвирий ойналарда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ташаббуси билан ушбу жиноят қурбонига айланиб қолмаслик бўйича қилинган баннерлар ҳозирда ўзининг самарасини бермоқда. Чунки, ҳар бир шахс кундалик иш, ўқиш ёки бошқа мақсадлардаги юмушларига отланганида юқоридаги тасвирий ойнадаги баннерга лоақал бўлсада бир маротаба кўзи тушади. Ушбу тарғибот ҳозирги кунда ўзининг самарали натижасини берган ҳолда одам савдоси жиноятлари йилдан йилга камайиб бормоқда.

Флешмоблар қисқа муддатда ўтказилувчи ҳуқуқий тарғибот мавзусини кенг омма ичида оммалаштиришни кўзда тутган ҳолда маълум жиноят тури ёки ҳаракатга қарши инсонларда фикр пайдо қилиш ҳамда бирлаштиришни амалга оширади.

“Флешмоб” сўзи инглизча “flesh” ва “mob” – “оломон” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, олдиндан режалаштирилган, бир-бирига нотаниш одамларнинг кўп сонини ўз

¹⁵ Гулчеҳра Ғаффарова, Мастура Юлдашева Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш омиллари // Academic research in educational sciences. 2021. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yoshlarda-mafkuraviy-immunitetni-shakllantirish-omillari> (дата обращения: 16.04.2024).



ичига олган ва ҳайратланиш реакциясини келтириб чиқарадиган оммавий тадбирни англатади.¹⁶

Викториналар маълум жиноятчилик тури ёки фаолият бўйича казуслар ечиш орқали ҳуқуқий билимларини якка тартибда намоён этиб, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамласалар, **заковат ўйинлари**да жамоа шаклида ўтказилиб, уларнинг жамоадаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдиришда, бу орқали ҳар бир иштирокчини рағбатлантириш асносида чуқур таъсир доираси пайдо бўлади.

Ойлик тадбирлар давлат муассасалари ва ташкилотларида барча ходимларнинг амалий ишларини айнан ҳуқуқий тарғибот ишларига йўналтириш орқали у ерда хизмат фаолиятини олиб боровчи шахслар томонидан аҳолининг кенг қатлами билан жиноятларни олдини олиш борасида олиб бориладиган учрашувлар, давра суҳбатлари, мунозаралар ёки бошқа шу каби тарғиботнинг турли усул ва йўналишлари орқали амалга ошириладиган фаолиятни назарда тутати.

Хулоса ўрнида шу таъкидлаш жоизки, жиноятларни олдини олишда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни беқиёслиги шуниси билан эътиборлики, инсонларни маълум бир ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатлардан қайтариш учун таъсир чораси фақат ва фақат бирор бир тушунча ва қоидаларни такрорлаш ва эслатиш билан амалга ошириш ҳисобланади.

Бундан келиб чиқиб жиноятларнинг олдини олишда аҳоли билан юзма-юз суҳбатлашиш ва муносабат ўрнатишда аҳолига ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилганда олиб келиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибат билан биргаликда маънавий-руҳий ҳамда ижтимоий муносабатлардаги салбий оқибатлар тушунтириб ўтилиши лозим. Шунингдек, бунда ҳуқуқбузарликларнинг махсус ва якка тартибдаги профилактикаси бўйича инсонларга таъсир қилиш учун масъул шахснинг бой ҳаётий тажрибаси, психологик таъсир доирасининг кенглиги ҳамда бошқаларга намуна бўлиш хислатлари бўлиши лозим.

References:

1. Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, 2014 й. // <https://lex.uz/docs/2387357>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2019 йилдаги ПФ-5618-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4149765>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>
5. Эркаев, А. Янги Ўзбекистоннинг миллий ғояси / А. Эркаев // Ijtimoiy Fanlar. – 2023. – Vol. 9, No. S5. – P. 178-184. – EDN SRWTCJ.
6. Алтмишев Т., Бекқулов Х., Ҳуқуқий тарғибот тушунчасини ёритишда назарий таҳлил // Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 22. – С. 104-106.

¹⁶ <https://uz.family-relation.com/10870379-what-is-a-flashmob>



7. Камиллов М. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг тушунчаси ва чора-тадбирларини қўллаш амалиёти //Евразийский журнал академических исследований. – 2023. – Т. 3. – №. 2 Part 4. – С. 83-89.
8. Рустамов, Рамз Ризоқулович Замонавий тарғибот услублари // International scientific journal of Biruni. 2023. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zamonaviy-tar-ibot-uslublari> (дата обращения: 15.04.2024).
9. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.
10. Гулчехра Ғаффарова, Мастура Юлдашева Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш омиллари // Academic research in educational sciences. 2021. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yoshlarda-mafkuraviy-immunitetni-shakllantirish-omillari> (дата обращения: 16.04.2024).
11. Тошкент шаҳар ИИББнинг 2023 йил 12 ойида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги маълумот жадвали.
12. <https://izoh.uz/uz/word/targ'ibot>
13. <https://muslimun.uz/yoshlarimizni-internetdagi-mafkuraviy-taxdidlardan-acraylik/>
14. <https://uz.family-relation.com/10870379-what-is-a-flashmob>